

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими жорий қилинди;

кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охириги уч йилда **тўрт баробарга** ошиб, 1,9 миллионга етди;

кам таъминланган оилалардаги болаларни парваришlash учун тўланадиган нафақа қамрови кенгайтириш, нафақа тайинлашда инобатга олинмаган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 баробарга оширилди;

ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари 3,2 бараварга оширилди, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортиқ янги инструментлар жорий этилди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимли ислохотларни изчил давом эттириш ва янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда самарали идоралараро мувофиқлаштирувчи тизимни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;

мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиклик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;

аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш;

ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиётини жорий этиш.

2. Қуйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш мақсадида, 2024 йилдан бошлаб "Йўл хариталари" ҳар икки йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. (Давоми 2-саҳифада) ▶

ЭЪТИБОР, ИМТИЁЗ, ИМКОНИАТ аёлларнинг орзу-умидлари рўёбига йўл очмоқда



Ташриф "Қирсадоқ" маҳалласидаги "Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мактаби", "Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази", "Ижтимоий реабилитация" хоналарининг очилиши билан бошланди.

Албатта, ёшлар ўртасида оила-

вий ажримларнинг олдини олиш, соғлом муҳитда фарзанд тарбиялашда ушбу мактабларнинг аҳамияти катта.

Шу кунги тадбиркорлик марказида тикувчилик йўналишида 40 соатлик дарсларни тамомлаган

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси 3. Маҳкамова Янгийўл туманида бўлди.

қизларга сертификатлар ҳам топширилди.

Ташриф якунида 3. Маҳкамова тумандаги маҳаллалар хотин-қизлар фаоллари билан учрашиб, танқидий-таҳлилий йиғилиш ўтказди. Йўл қўйилган камчиликлар юзасидан масъулларга манзилли тавсиялар берилди.

Шунингдек, иш самарадорлигини ошириш, ташкилотлар ўртасида интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида 64 та маҳалла хотин-қизлар фаолларига замонавий планшетлар топширилди.

Шу каби йиғилиш Зангиота туманида ҳам ўтказилди.



ЭНГ МУНОСИБ ЕТАКЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бугун маҳаллаларда иш юритаётган ёшлар етакчилари йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш уларнинг таклиф ва ташаббусларини рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Ўз навбатида, бу жараёнда фаоллик кўрсатаётганлар муносиб тақдирланмоқда.

Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев биринчи ярим йиллик ҳолатига кўра, натижалари энг юқори бўлган маҳалла ёшлар етакчиларини тақдирлади.

Секторлар кесимида 1-ўринни қўлга киритган 88 нафар энг фаол етакчилар 2 млн. сўм пул мукофоти ва фахрий ёрлик билан тақдирланди.

2-ўринни қўлга киритган энг фаол етакчилар 3 кунга Хоразм сафарига йўл олади.

3-ўрин соҳибларининг ота-оналарига вилоят ҳокими номидан ташаккурномалар йўлланди.

Мукофотларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Жамшид Бобононов, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси раҳбари Мирозид Мирсултоновлар топширишди.

Муносибларни тақдирлаш давом этади.

ЭРТАНГИ ҲОСИЛ ТАҚДИРИ БУГУН ҲАЛ БЎЛАДИ

Бугунги кунда Тошкент вилоятининг 72 минг 161 гектар майдонида гўза парвариш қилинмоқда.

Маълумки, пахта етиштиришда суғориш, культивация, чилпиш ва бошқа агротехник тадбирларни вақтида ва сифатли амалга оширилиши муҳим жараён ҳисобланади. Бундай тадбирларни пайсалга солиш эса ҳосилнинг "чўғи" камайишига олиб келади.

"Ўзагроинспекция"нинг Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоятимиз пахта майдонларида агротехник тадбирларнинг белгиланган муддатда ва сифатли амалга оширилишини доимий назорат қилиб боришмоқда.

Мавсум юмушлари



Аброр ЭСОНОВ олган сурат

БЕМОРЛАРГА ЯҚИН КЎМАКЧИ

Мамакатимизда эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ўзгалар парваришига муҳтож, ногиронлиги бўлган шахслар жамият-Тиббиёт да ўз ўрнини топишлари учун

Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар ва болалар тўғрисида, патология ва ортиририлган суяк-мушак тизимидаги ўзгаришлар ҳамда деформацияларни даволаш учун зарур бўлган протез-ортопедия буюмлари, шунингдек, реабилитация техник воситалари билан узлуксиз таъмин-

тадбирларни олиб борилмоқда. Бу борада асосий эътибор уларга ҳар томонлама кўмак бериш ва ижтимоий ҳаётда фаоллигини оширишга қаратилган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги томонидан Россияда ишлаб чиқарилган 14 донор роботлашган реабилитация комплекси "E-helper" экзоскелет реабилитация ускунаси олиб келинди. Бу

ускуналар ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш Миллий марказининг худудий бўлимига тарқатилди.

Таъкидлаш жоизки, битта "E-helper"нинг нархи 30 минг АҚШ долларини ташкил этади. (Давоми 2-саҳифада) ▶

Томорқачилик

"МАЛЛАБОЙ" ТАЖРИБАСИ

нафақат мамлакатимиз,
балки қўшни республикаларда
ҳам эътироф этилмоқда



Президентимиз раислигида шу йил 18 июль кунги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Бекобод тумани "Маллабой" маҳалласидаги хонадонлар томорқадан унумли фойдаланиб, эришаётган натижалар, ҳоким ёрдамчиси йўлга қўйган ижобий тажрибани алоҳида намуна қилиб кўрсатди.

Дарҳақиқат, маллабойликларнинг меҳнатқашлиги таҳсинга сазовор. Эндиликда "Маллабой" маҳалласи томорқачиларининг тажрибасини ўрганишга ҳатто қўшни республикаларда ҳам қизиқмоқда.

Хўш, маллабойликлар муваффақиятининг сирини маҳалла? Албатта, меҳнат ва яна меҳнатда. (Давоми 2-саҳифада) ▶

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ЧИНОЗ туманининг энг чекка худуди саналган "Чинмасхид" маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Салкам 30 йилдан буён ичимлик суви бормаган мазкур маҳалла аҳолиси учун иккита артезиан кудугини қазиб ишларида туман фермерлари алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ туманида фермер ва деҳқон хўжаликлари, корхоналар ҳамда аҳоли хонадонларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг статистик ҳисоботини юритиш юзасидан амалий семинар ўтказилди.

Унда қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бошқарма бошлиқларидан таркиб толган ишчи гуруҳ тумандаги тизимни ўрганди.

БЎКА туманида "Камалак" юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичи ташкил этилди.

Фестивалда 6 дан 14 ёшгача бўлган болалар олти йўналишда ўз истеъдодларини намойиш эттишти.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

ЧИРЧИҚ шаҳрида "Дилчеҳра КИДС" болалар клиникаси фойдаланишга топширилди.

Лойиҳа қиймати 5 миллиард сўмни ташкил қилган ушбу замонавий болалар клиникаси диагностика ва амбулатор даволаш, лаборатория хонаси, шунингдек, 12 турдан ортиқ тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга.



Чилла

АНОМАЛ ИССИҚЛИК ҲАФТА ЯКУНИДА ПАСАЯДИ



"Ўзгидромет" ахборот хизматининг хабар беришича, жорий ҳафтанинг иккинчи ярмида иссиқ об-ҳаво массаси Ўзбекистон худудидан чекинади ва республика бўйича ҳарорат пасая бошлайди. Қайд этилишича, ҳафта охирига келиб, нисбатан салқин ҳаво массаси республиканинг барча худудларини қамраб олади ва қатор вилоятларда ҳаво ҳарорати 33-36 даражача пасайиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

3. Молия вазирлиги тарҳида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ижтимоий сугурта жамғармаси ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ижтимоий сугурта жамғармаси фаолиятини молиялаштириш манбалари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

4. Белгилансинки, Ижтимоий сугурта жамғармаси ҳисобидан:

а) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ижтимоий сугуртаси бўйича минимал истеъмол харажатларидан келиб чиқиб ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўланади.

Бунда, ходимнинг иш стажига 1 ойгача бўлган таннафуслар мавжуд бўлса ушбу таннафуслардан олдинги ва кейинги ойлар кетма-кет иш стажини ҳисоблашда қўлланилади;

б) келгусида давлат ижтимоий сугуртаси бўйича бериладиган нафақалар "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали бошқичма-бошқич тўланади.

5. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Турдиев), Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (З.Махкамова) ҳамда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2023 йил 1 мартга қадар давлат томонидан кафолатланган ва бепул тақдим этиладиган минимал ижтимоий хизматлар рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2023 йил 1 июлга қадар давлат томонидан кафолатланган ва бепул тақдим этиладиган минимал ижтимоий хизматларни кўрсатиш стандартларини тасдиқласин.

6. Ижтимоий сугурта жамғармаси ташкил этилиши муносабати билан:

2022 йил 1 сентябрдан Молия вазирлиги ҳузуридаги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси тугатилиши ҳисобига 3 та штат бирлигидан иборат Ижтимоий сугурта жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш бўлими;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро аппарати штат бирликлари ҳисобидан 2 та штат бирлигидан иборат Ижтимоий тўловларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали амалга ошириш шўъбаси;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бош бошқармалари ҳузурида, уларнинг умумий штат бирликлари доирасида 2 та штат бирлигидан иборат Ижтимоий сугурта жамғармаси маблағларини бошқариш ва Ижтимоий сугурта нафақалари тўловларини мониторинг қилиш бўлимлари ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу фармоннинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг қўламда ёритиб борилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазирлиги Т.А.Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 25 июль

Хабарингиз борми?

2023 йилдан бошлаб фуқароларга пенсияни ҳисоб-китоб қилиш тартибиде ўзгариш бўлиши кутилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.

ПЕНСИЯНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ЎЗГАРТИРИЛАДИ



Ушбу Қонун лойиҳасига кўра, 2023 йилдан бошлаб фуқароларга пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун инobatта олинadиган ўртача ойлик иш ҳақини пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 12 бараваридан ортиқ бўлмаган (3 888 000 сўм) миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақидан ҳисобга олинади.

Маълумот учун, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган (3 240 000 сўм) миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Натижада 352 миң нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ўртача ойлик пенсия миқдори 400 миң сўмгача ошади. Хусусан,

- 304 миң нафар ёшга доир пенсиялар;
• 25,2 миң нафар ногиронлиги бўлган шахслар;
• 23 миң нафар боқувчисини йўқотганлар.

Таъкидлаш лозимки, пенсияни ҳисоблашда инobatта олинadиган иш ҳақи чегараси учинчи мартаба оширилмоқда. Яъни, 1994 йил 1 июндан кучга кирган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун инobatта олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг юқори чегараси пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 7 баравари миқдорига белгиланган, кейинчалик ушбу миқдор 2007 йил 1 октябрдан 8 бараварга, 2019 йил 1 январдан 10 бараварга кўтарилган.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда Пенсия жамғармасидан йилгига қўшимча равишда 1,5 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

БЕМОРЛАРГА ЯҚИН КЎМАКЧИ

Маълумот учун, экзоскелет реабилитация ускунасини умуртқа поғонаси жароҳатлари, бош мия қон айланishi ўткир бузилишининг асорати, Паркинсон касаллиги, тарқалган склероз, болаликдан церебрал фалажлик каби касалликларда қўллаш жуда яхши самара беради. Шу касалликлар билан оғриган беморларни экзоскелет билан шуғуллантириш орқали мушаклар кучи

ва тонусининг ошишига эришилади. Натижада уларнинг реабилитация техника воситаларида (аравача, кўлтиқтаёқ, ҳасса) мустақил ҳаракатланиши тезлашади. Шунингдек, уларда фаоллик, ҳаётга қизиқиш, соғайишга умид ва хоҳиш пайдо бўлади.

– Мазкур реабилитация воситасини жорий йил 1 июлдан қўллаб бошладик, – дейди Тошкент вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази раҳбари Гавҳар Шониёзова. – Дастлаб, мутахассисларимиз ўқув-семинарда иштирок этиб, ускунанинг қўлланиши бўйича кўникма ва амалий билимларга эга бўлишди. Ҳозирда "E-helper" марказида бош мия қон айланishiнинг ўткир бузилиши, болаликдан церебрал фалажлик асорати, умуртқа поғонаси жароҳатлари, Шарко-Мари неврал амиотрофияси, Гейн Баре полиневропатияси каби касалликлар билан даволанаётган 7 нафар ногиронлиги бўлган беморларда қўлланилмоқда.

Нозима РАСУЛОВА, Тошкент ҳақиқати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



ЭРТАНГИ ҲОСИЛ ТАҚДИРИ БУГУН ҲАЛ БЎЛАДИ

Бериш ишлари еттинчи бор қайта ўтказилмоқда. Бугунга қадар, 532 миң 42 гектар майдонда ишлов бериш ишлари аяқланди. Шунингдек, 19 миң 626 гектар майдон учинчи марта сугорилди, 71 миң 917 гектар майдонда чилпиш ишлари ўтказилди.

Бундан ташқари, гўза майдонларининг 10 миң 827 гектариде ўрғимчаккана ва 5 миң 19 гектариде кўсак куртига қарши кимёвий ишлов бериш бажарилди.

Бошқарманинг ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, ўтказилган назорат тадбирлари давомида 1 миң 668 гектар майдондаги пахта ривождан ортда қолаётгани, 868 гектар майдонда эса култивация ишларининг сифатсизлиги ҳамда 606 гектар майдонда сугориш ишлари яхши бажарилмагани аниқланган. Камчиликлар юзасидан вилоят кишлоқ хўжалиги бошқармаси, туман ҳокимликлари ва пахтачилик кластерларига ёзма кўрсатма ҳамда огоҳномалар тақдим этилган.

Нозима РАСУЛОВА, Тошкент ҳақиқати

МАНФААТ КЎРМАГАН ДЕҲҚОННИНГ КЕТМОНИ ЗАНГЛАЙДИ

Худудларда пахта ва ғалладан қисқартирилётган ер майдонларида богдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва дуккакли экинларни етиштириш, экспортбон кишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, мазкур ишга аҳолининг кенг қатламини жалб қилиш борасида давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб имтиёз ва имкониятлар яратиб берилмоқда.

Жумладан, вилоят ҳокимининг кишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари Холмирза Нибёзов Оҳангарон, Чиноз, Бекобод ҳамда Бука туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Шунингдек, деҳқонлар билан мулоқотда соҳадаги ютуқ ва камчиликлар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Биз туманга хизмат сафарларига борганимизда мазкур маҳаллада кўп мартаба бўлганмиз ва газетамизда туркум мақолалар чоп этганимиз. Бу галги сафаримиз ҳам самарали бўлди.

"Маллабой" маҳалласи туман марказидан 7-8 қақрим олисда жойлашган. Бу ерда 3 миң 92 нафар аҳоли истиқомат қилади. Айни пайтда маҳалланинг ер майдони 744 гектарни ташкил этади. Худуддаги 535 хонадоннинг 502 тасида иссиқхона мавжуд. Иссиқхоналарда бир йилда 3 мартаба ҳосил олинади.

Ҳосил ўртача 6,6 тоннани ташкил этиб, бу йилига 33 миллиард сўм даромад, дегани. Шунда битта хонадон йилгига ўртача 60-70 миллион сўм соф фойда олади. Утган 6 ойда маллабойликлар Россия ва Тожикистонга 1 миң 900 тонна помидор, бодринг ва бақлажон экспорт қилишди.

Шавкат ЖИЯНОВ, "Маллабой томорқа хизмати" МЧЖ раҳбари:

– Ота-боболарим ҳам деҳқон бўлишган. Аммо, ҳар соҳада туб бурилиш бўлгани яхши экан. Бундан 25 йил аввал пойтахт яқинидаги катта хўжаликка иш юзасидан борганимиз. Шу ерда темир-терсақлардан иборат қурилма ўрнатилган экан. Сураб суриштирсам: "Теплица" дейишди. Қизиқиб қолдим ва кишлоққа қайтган, шундай қурилма ясадим. Темирларни бир-бирига улаб, дуга яшанинг ўзи бўлмади. Ниҳоят, "теплица"ни битирдим ва ilk бор 4 сотих майдонда бақлажон етиштирдим. Ишонсангиз, биринчи ҳосилни 35 миң

долларга сотганман. Яқин-атрофдагилар бу ҳақда эшитиб келишди, билганимча ўргатдим. Шу-шу иссиқхона қуришда кўпчиликка бош-қош бўлдим.

Айни вақтда 25 сотих томорқанинг 18 сотихида иссиқхона бор. Январь ойининг ўрталарида мингта бақлажон кўчатини ўтказгандик. Ҳосили ёмон бўлмади: 5 тонна маҳсулотдан юз миллион сўм соф даромад олдик. Иккинчи экинга помидорнинг "Сабина" навини эқдик. Сентябрь-октябрь ойгача ҳосил беради. Учтинчисига қулпуннай эмкичимиз.

Томорқачиларга қулай бўлиши учун "Маллабой томорқа хизмати" МЧЖ ташкил қилганмиз. Асосан, иссиқхонада қўлланиладиган минерал ўғит ва керакли хом ашёларни ўз вақтида етказиб берамиз. Шунингдек, тайёр маҳсулотларни хорижга экспорт қилишда брокерман. Хуллас, нимагаки эришган бўлсам, барчаси томорқанинг орқасидан...

Қундузхон ОЛИМОВА, маҳалла хотин-қизлар фаоли:

– Етти йилдан бери 4 сотих иссиқхонада йилига уч мартаба ҳосил оламиз. Бу йил февраль ойида бақлажон эккандик, 70 кунда пишиб етилди. Илк ҳосилнинг ҳар килосини 45 миң сўмдан сотдик. Йиллик даромадимиз 35-40 миллион сўмга етди.

Маҳалламизда иссиқхоначилик ривожланишида уруғ етиштирувчиларнинг ўрни катта. 30 га яқин томорқачилар шу билан шуғулланишади. Асосан, икки томонлама термос усулидан фойдаланилади.

Биласизми, кўчат ҳам боладек гап. Парваришга, меҳрга муҳтож. Тагига ўз вақтида

ишлов бериб, турли хил минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйинтирсангиз, марра сизники.

Ўзим маҳалла хотин-қизлар фаолиман. Хонадонларда бўлганимда, томорқаларни ҳам кўздан кечириман. Маҳалламизда ишсиз, банд бўлмаган одамнинг ўзи йўқ. Шу сабабли, ажримлар ва жиноятчилик ҳам йўқ.

Моҳида РАФИЕВА, уй бекаси:

– Куни кеча ўғлимнинг хатна тўйини ўтказдик. Ҳовлида қариндош-уруғ, қўни-қўшниллар билан жам бўлишимиз гашти ўзгачада. Нурунийлар дуога қўл очиб: "Топганингиз яхши кунларга, тўйларга, тўйларга буюрсин", дейишганида юрагим алланчुक бўлиб кетди. Ҳақиқатан ҳам ҳалол меҳнат қилиб топганларимиз яхши кунларимизга қўшма буюрди. Кўз олдимдан ilk иссиқхона ташкил қилиб, йиллар давомида меҳнатимиз орқали шу даражага етганимиз кино тасмасидек бир-бир ўтди. Аслида, томорқани эплаш осон эмас. Эрта тондан кечгача, баъзан тунни ҳам бедор ўтказган кунларимиз бўлган. Иссиқхонамиз 7 сотих майдонни эгаллаган. Дастлаб, аҳоли учун очик майдонларга мослаштирилган бўлғор қалампир ва бақлажон кўчатларини етиштирамиз. Ундан сўн ҳосилбон кўчатлар экилади. Ҳозир булғор қалампир ва бақлажон ҳосилини ички бозорлар ва қўшни давлатларга ҳам сотаямиз. Турмуш ўртоғим мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайдилар. Боз устига, шартнома асосида институтда ўқийдилар. Даромадимиз рўзғор ва тўловлар учун етиб турибди.

Жавлон ЖУМАЕВ, ҳоким ёрдамчиси: – Эндиликда томорқага ҳақиқий даромад манбаи сифатида қараш керак. Албатта, имтиёзли кредитлар асосида иссиқхоналар қуриш, паррандачилик ва хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам кенгайтириш зарур.

Айни кунларда томорқачиликдаги тажриба мизни ўрганиш учун мамлакатимизнинг турли туманлари ва Тожикистон Республикасида вакиллар келишмоқда.

Маҳалламизда нафақат иссиқхоначилик, балки тикувчилик ва ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ривожлантириш бўйича режаларимиз бор. Жумладан, маҳалламиздаги "Узпахтасаноат"га қарашли (ҳозирда қарздорлиги бўйича хатланган) объектнинг лидер тадбиркор орқали гилам тўқиш цехига айлантириш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу орқали 120 нафар хотин-қиз учун қўшимча иш ўрни яратилади. Шунингдек, келгусида маҳсулотларни сақлаш учун кичик музлаткич ва қайта ишлаш цехлари очмоқчимиз.

Яқинда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев томонидан маҳалламизнинг 2 та кўчасини асфальтлаштириш учун 400 миллион сўм маблағ ажратилди. 2 миң метр соғломлаштириш йўлакларига барпо этилиб, нурунийлар учун чойхона фаолияти йўлга қўйилди.

Нигора ЎРОЛОВА, Тошкент ҳақиқати/ Сураптар Бекобод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан тақдим этилди



ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ЭХТИЁЖИ



Сўнги йилларда Оҳангарон туманида чорвачиликни ривожлантириш, соҳада инновацион янгилликларни қўллаш, хорijdан зотдор чорва молларини келтириш ва кўпайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Чорвачилик

Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан "Ulug'-Nur" фермер хўжалигида АҚШнинг "Rhotop global" компаниясининг консалтинг ва лойиҳалар бўйича бош координатори жаноб Майк Родс иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Комилов, вилоят "Чорванасл" бўлими Оҳангарон тумани вакили Улуғ-

бек Тургунов, тадбиркор Шавкат Комилов иштирок этди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистоннинг иқлим шароитига мос чорва наслларини яратиш, озуқа маҳсулотларининг унумдорлигини оширишга қаратилган фикр-мулоҳазалар, гоғлар илгари сурилди.

Хорижлик меҳмонлар билан бу борадаги ишларни "Ulug'-Nur" фермер хўжалиги мисолида амалга ошириш юзасидан дастлабки келишувга эришилди.



4 кунлик иш ҳафтасига ўтиш мумкинми?

Сўнги ўн йил ичида иш бевуви бўйлаб ходимлар учун тўлиқсиз иш куни ва мослашувчан иш жадвалини жорий этиш тора оммалашмоқда. Айниқса, пандемия даврида бу самарали усул эканлиги ўз тасдиғини топди.



Яқинда Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти мутахассислари мамлакатимизда 4 кунлик иш ҳафтасига ўтиш имкониятлари ва уни қўллаш мумкин бўлган соҳаларни аниқлашга қаратилган тадқиқот ўтказди.

Тадқиқотлар иш кунининг ҳозирги саккиз соат ва бирдан ортиқ меъёри нафақат ишлайдиган одамнинг соғлиги, балки унинг меҳнат унумдорлигига ҳам таъсир қилишини кўрсатди.

Самарадорлик юқори бўлишига қарама-дан, аксарият давлатлар ва компаниялар 4 кунлик иш ҳафтасига тўлиқ ўтишни рад этяпти. Бунинг асосий сабаби катта харажатлардир.

Ўзбекистонда 4 кунлик иш ҳафтасининг меҳнат унумдорлигига таъсирини таҳлил қилиш учун ПМТИ мутахассислари республика бўйича меҳнат унумдорлиги ва бир соатлик иш вақтидаги меҳнат унумдорлигини ҳисоблаб чиқди.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, меҳнат унумдорлиги ва иш соатлари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланди – корреляция коэффициенти - 0,40. Шундай қилиб, Ўзбекистон шароитида 4 кунлик иш ҳафтасига ўтиш бўйича

жаҳон амалиётини иқтисодиётнинг барча тармоқларида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Шунга қарамай, ПМТИ мутахассислари 4 кунлик иш ҳафтаси қўлланилиши мумкин бўлган соҳаларни аниқлашга ҳаракат қилди. Бу номоддий ишлаб чиқариш соҳалари, яъни ахборот технологиялари йўналиши, банклар, таълим, соғлиқни сақлаш, шунингдек, илм-фан билан боғлиқ соҳалардир.

Таҳлил натижалари меҳнат фаолиятининг бир йилда қанча давом этиши меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи ягона ва асосий омил эмаслиги, аммо уларнинг ўзаро боғлиқ эканлиги ва бунга шубҳа йўқлигини кўрсатди.

ЎЗА

Кун мавзуси:

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ МАКТАБ ФОРМАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРА ОЛАДИМИ?

Янги ўқув йили яқинлашган сари мактаб формаси Ягона-оналар учун кун мавзусига айланиб бормоқда.



ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИ

"Е-патруль" ОРҚАЛИ АНИҚЛАНДИ

2023 йил 1 январдан бошлаб ички ишлар органлари фаолиятига босқичма-босқич "Е-патруль" тизими жорий этилиб, фуқаронинг шахсини аниқлаш учун ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечилади ҳамда барча маълумотлар жойида планшет орқали текширилиб, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимларининг фаолияти "бодикамера"дан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши йўлга қўйилади.

Бунда фуқароларнинг шахси бармоқ излари ёки юз тизилиши орқали идентификация қилинади.

Қачон фуқароларни тўхтатиш ва ҳужжат сўраш ёки "Е-патруль" орқали шахсини аниқлаш мумкин?

- * шахс жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд қидирувда деб гумон қилиш учун асослар мавжуд бўлганда;
- * шахсини содир этилган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида маълумотга эга деб ҳисоблаш мумкин бўлганда;
- * қонунчиликка мувофиқ шахсни ушлаб туриш учун бошқа қонуний асослар мавжуд бўлганда.

Қачон шахсини ички ишлар органларига олиб бориш мумкин?

- * ёнида шахсни тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ва планшет орқали ҳам унинг шахсини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда;
- * қидирувда бўлган ёки бедарак йўқолган шахслар аниқланган ҳолларда;
- * шахсига аниқлик киритиш жараёнида қаршилик кўрсатган ҳолларда;
- * жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида ушланган ҳолларда (жойида маъмурий баённома тузилмаган ҳоллар бундан мустасно).

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Бегуний номили жамоа хўжалигининг Хужа Пискен бўлимида жойлашган Муминқуллов Жанибекка тегишли 86,85 кв.м.ли дўконга 1997 йилда берилган № 74-сонли ваколатномага асосан тузилган шартнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 майда "Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ва тармоқ корхоналари томонидан Республика умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган жами 6,6 миллион нафар ўқувчи учун ягона мактаб формаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифаси берилган.

Мазкур қарорга асосан, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўқувчиларни сифатли ва замон талабига мос мактаб формалари билан таъ-



минлаш учун республика бўйлаб 560 та маҳаллий корхоналар рўйхати шакллантирилди. Ушбу корхоналарда мавжуд қувватлар йиллик 45 миллион дона мактаб формаси ишлаб чиқариш имкониятига эга.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Шаҳзода Қўчқорованинг АОКАда ўтказилган брифингда маълум қилишича, мактаб формасини ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида 26 млн. кв.м. газлама ишлатилади. Республи-

ликамининг 7 та ҳудудда жойлашган корхоналарнинг йиллик қуввати 179 млн. кв.м мато ишлаб чиқаришни ташкил этади. Уртача ойлик ишлаб чиқариш қуввати 10-14 млн.кв.м.ни ташкил этади. Яъни, мавжуд қувватлар мактаб формасини ишлаб чиқаришда хом ашёга бўлган талабни қондира олади.

Жорий йилнинг 20 июль ҳолатида тўқимачилик корхоналари томонидан 1,5 миллион комплекздан ортиқ мактаб формалари тайёрланиб, савдо шаҳобчалари ва мактаб ярмаркаларида сотувга чиқарилган. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида мактаб формасини ишлаб чиқариш қуввати 5 миллион донадан ортиқни ташкил этади.

Биргина Наманган вилоятининг ўзида 276 та корхона 19 млн. дона мактаб формаси ишлаб чиқариш имконияти бор. Айни дамда ушбу корхоналарда 2,5 млн. дона мактаб формаси ишлаб чиқаришга буюртма тушган.

ЎЗА

Фейк

"Ижтимоий тармоқларда тарқалган Афғонистонда аниқланган вабо касаллиги Ўзбекистонга кириб келгани ҳақидаги маълумотлар мутлақо ёлғон. Ўзбекистонда шу пайтга қадар бирор марта вабо касаллиги аниқланмаган." Бу ҳақда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари Нурмат Отабеков маълум қилди.

ШОВ-ШУВЛАР ЯНА АВЖИДА



Унинг таъкидлашича, вабо (cholera) ингичка ичакнинг зарарланиши, интоксикация, умумий аҳволнинг оғирлашуви ва организмнинг сувсизланиши билан давом этадиган ўткир инфекция ўта хавфли ичак касалликлари билан бири ҳисобланади.

Вабо вибриони дарё сувида 18 кундан 5 ойгача, музда бир неча ой, ариқларда бир неча кун, денгиз сувида икки ҳафта, ахлат қуқурларида 3 ойгача, ички қийимларда 2 ой, қум-тупротда бир неча ой, сув ҳавзаларида 15-30

кун, сут ва ёғда бир ойгача, картошкада 2 ҳафтагача, хўл мевада бир неча кунгача тирик қолиши мумкин.

Отабековнинг сўзларига кўра, вабонинг классик вабо ва Эль-Тор вабоси деган 2 тури бор. Шунга кўра, вабо микроби (вибрион деб аталади) классик вабо вибриони ва Эль-Тор вибриони деб аталадиган икки хилга ажратилади. Дезинфекцияловчи моддалар вибрионни тез ўлдиради. Сув қайнатилганда ҳам вибрион тез ўлади.

"Вабо профилактикасида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ифлосланган оқова сувларни мунтазам равишда зарарсизлантириш, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда санитария-гигиена қоида ва талабларига қатъий равишда амал қилишининг аҳамияти катта", дейди Отабеков.

Сўраган эдингиз

Меҳнат қончилиги мувофиқ, барча ходимларга, жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилди. Шунингдек, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилди. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Қандай ҳолларда таътилни узайтириш ёки уни бошқа мuddатга кўчириш мумкин? Ушбу саволга ҳуқуқшунос Муҳриддин Шамсиддинов жавоб беради.

— Меҳнат кодексининг 145-моддасига кўра, ходимлар куйидаги ҳолларда таъ-

ТАЪТИЛ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРСА БЎЛАДИ

тилни узайтириш ёки бошқа мuddатга кўчириш ҳуқуқига эга. Хусусан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида, хомилдорлик ва туғиш таътили мuddати бошланганда, йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда, давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

Агар таътилдан фойдаланишга тўқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш бевуви ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишнинг янги мuddати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайти-

рилади ёки ходим билан иш бевувининг келишувига биноан таътилни фойдаланишмай қолган қисми бошқа мuddатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланишга тўқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш бевувини хабардор қилиши шарт. Агар ходим белгиланган мuddатда таътилни бошлашиш вақти тўғрисида иш бевувини хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

Эслатма! Меҳнат кодексининг 146-моддасига биноан ходимнинг хоҳишига кўра, унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисм-ларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилни бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмашлиги лозим.

Ижтимоий эълон

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузурдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ўзбекистон Мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан "ЎЗБЕКИСТОН, МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АБАДИЙ БЎЛСИН!" мавзусида давлат грантининг жорий йилдаги 2-танловини эълон қилади.

Танловда Тошкент вилоятида давлат рўйхатидан ўтган ҳамда ушбу ҳудудда фаолият юритаётган ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги йўналишдаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

1. "Ўзбекистон, мустақиллигининг абадий бўлсин!" шиори остида Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида хорижий ва маҳаллий ОАВларда туркум мақолалар чоп этиш;
2. Инсон қадрини маҳаллалардаги амалий ифодасини намоян этишда, хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда ҳоким ёрдамчиларига кўмаклашиш;
3. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни кенг тарғиб этиш, шунингдек, ёшлар ўртасида вилоятимиз шаънини юксакларга олиб чиқувчи спортчиларни қўллаб-қувватлашда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли;
4. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, соғлом турмуш кечириши, жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш;

5. Ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг билим ва онгини ривожлантириш, турли ёт фояр таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, маънавий баркамол шахсни тарбиялашга ёрдамлашиш;
6. Қариялар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга меҳр-муруват кўрсатишда давлат органларига кўмаклашиш;
7. Миллий-маданий марказлар фаолиятини янада яхшилаш, миллатларaro тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш;
8. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган "Яшил ҳудуд"ларни телевидение ва матбуот орқали тарғиб этиш ҳамда агро-экологик муҳофаза қилиш борасида ННТ ва давлат идоралари шерикчилигини фаол йўлга қўйиш;

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. Белгиланган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгартириш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа

институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари (имкон қадар).

Ҳар битта давлат гранти лойиҳаси учун ажратилмаган маблағ миқдори 40 000 000 (қирқ миллион) сўмдан. Лойиҳалар ижро мuddати 2023 йилнинг 1 январига қадар мuddатда бўлиши лозим.

Ҳужжатлар 2022 йил 22 июлдан 22 августгача қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 форматда): инд: 100066, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, "Ёшлик" МФЙ, Фуқрат кўчаси "ННТ ва Дўстлик уйи" биноси манзилида жойлашган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузурдаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши керак.

Болалар ёзи - 2022

«Соҳил» кувончлари



Айни кунларда Бекобод шаҳрининг Сирдарё қирғоғида жойлашган сўлим «Соҳил» болалар оромгоҳида «Ўзметкомбинат» АЖ ишчи-ходимларининг 150 нафар фарзандлари мароқли дам олиб, ёз фаслини соз ўтказишмоқда.



— Оромгоҳимизда 21 нафар педагог-тарбиячилар мавсумни кўнглидагидек ўтказиш мақсадида маънавий-маданий тадбирларга алоҳида эътибор беришмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Мархабо Усмонова. — Шунингдек, моҳир қўллар, рассомчилик, рақс, шахмат каби 10 га яқин тўғрақлар доимо болалар билан гавжум. **Суратда:** «Ёш китобхон» тўғраги раҳбари **Мадина Мўминова** машғулот жараёнида. **Султонбой ДЕҲҚОНОВ** олган суратлар

СПОРТ янгиликлари



АТИГИ 2 ДАҚИҚА ВА 3-ЎРИН

Туркияда велоспорт бўйича халқаро «Grand Prix Kayseri» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда жами 86 нафар профессионал велоспортчилар ғолиблик учун баҳслашишди. Мазкур турнирда ҳамюртимиз Акримжон Суннатов 131 километрлик тоғ масофасини 3 соат 32 дақиқа 11 сонияда босиб ўтиб, 3-ўринни эгаллади. 1-ўрин Осиев тақачи «Теренгану» жамоасидан Анатолий Будиакка насиб этди. Унинг натижаси 3 соат 30 дақиқа 46 сонияни ташкил қилди.

«МЕТАЛЛУРГ» «ҚАЛДИРҒОЧ»ЛАРИ ИСПАНИЯГА УЧИШДИ

Бекободнинг «Металлург» клуби қошида фаолият юритаётган «El Golazo Academy Powered by Real Madrid Foundation» футбол академиясининг биринчи мавсум қаҳрамонлари Испанияга учиб кетишди.

Футбол академиясининг биринчи ўқув йилида ҳам ўқиш, ҳам машғулотлар жараёнида намуна бўлган 50 нафар тарбияланувчилари «Реал» (Мадрид) футбол академияси билан яқиндан танишиш, қироллик клубида малака ошириш имкониятига эга бўлишди.

ФОМИН ЮҚОРИЛАДИ, ЖЎРАБЕК ЭСА...

АТР расмий сайти эркак теннисчиларнинг янгиланган ҳафталик рейтингини эълон қилди.

Унга кўра, рейтингнинг топ-10 талиғида кичик ўзгариш кузатилди. Гамбургдаги турнир финалчиси испаниялик Карлос Алькарас ўтган ҳафтадаги ўрнидан 1 поғона юқорилаб, топ-5 да дебют қилди. Гарчи бош совринчи кўлга киритган бўлса-да, норвегиялик Каспер Рууд кучли бешликни тарк этди. Рейтингни россиялик Даниил Медведев бошқариб бормоқда. Мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси мақомини ўзида сақлаб қолган Сергей Фомин бу ҳафта ўз ўрнидан 59 поғона юқорилашга эришди. Шунингдек, Хумюно Султонов 6, Денис Истоминов 11, Максим Шин 16 поғона кўтарилган бўлса, Санжар Файзиев 17 ўрин пастилади. Энг кучли «шўнғиш» (311 ўрин) Жўрабек Каримовда кузатилди.

Сухробжон САДИРОВ /Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади

Кўрғазма

ЎТМИШГА НАЗАР

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида Бадий кўрғазмалар дирекцияси тўпламида сақланаётган асарлардан ташкил топган «Ўзбекистон санъати усталари» ретроспектив кўрғазмасининг навбатдаги бўлими очилди.



Экспозицияда бу йил 90 йиллиги нишонланаётган Ўзбекистон халқ рассоми Эмонуль Калантаров (1932-1984), рангас-вирчилар Юрий Зорькин (1932-2015) ва Юрий Талдинкин (1932-2002)ларнинг намойишга қўйилган асарларида жанрли рангасвир, портретлар, манзара ва натюрмортлар, кинофильм ва спектакллар учун ишланган эскизлар ўрин олган.

Мазкур ретро асарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар расмлар орқали яқин ўтмиш ҳақидаги тасавуurlарини бойитишмоқда.

Кўрғазмада, шунингдек, Тошкент вилоятининг бетакорр табият манзаралари акс этган «Оқтош», «Эзги Оқтошда», «Сўқоқ манзараси», «Меҳмонга. Сиж-жак», «Бурчмулла тоғларида», «Паркентда кузги узумзор» каби ижод намуналарига ҳам кенг ўрин берилган.

Кўрғазма жорий йилнинг 10 августига қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Mitti masallar

Tokqaychi va Arra

Mehnat qilib charchagan Arra Tokqaychiga yalinibdi: — Hoy, Tokqaychi, menga yordam ber. Bizning ishimiz og'ir, ammo senga og'ir ish buyurmayman. O'zingga yarasha kichik ishlarni bajarasan. Baribir, bekorchilikdan zerikib, soya-salqinda yotibsan-ku. Tokqaychining jahli chiqibdi: — Qiziqmisan, men dam olyapman. Senga yordam beraman deb, charchab qolsam, nima bo'ladi? Hafsalasi pir bo'lgan Arra boshqa hech narsa demabdi. Oradan ancha vaqt o'tibdi. Tokqaychi ishlamasdan, bir chetda yotganicha zanglab qolibdi...

Olma va Banan

Alvonrang to'n kiygan Olma voyu xabashlar ortidan kelgan sariq Bananvoysiga yuzlanib: — Hoy Bananvoy, sening narxing namuncha baland? Men sendan totli, foydali bo'lsam ham arzonman, — debdi. Bananvoy: — Men o'z yurtimda arzonman. Insonlar meni sotib olishni ham ep ko'rmaydi. Chunki tayyor daraxtda tekin osilib turgan Bananni rastadan kim ham sotib olgisi keladi. Bu yerda qimmat ekanligimning sababi mehmonning hurmatini joyiga qo'yar ekansizlar. Shuning uchun bozorda qimmat narxdaman. Dasturxoniga hamma mevalarning ustiga qo'yishadi. Rostini aytсам, sizlarning xalqingiz kabi mehmondo'st xalqni hech qayerda ko'rmanman, — debdi.

Ko'z va Kiprik




Ko'z Kiprikka qarab: — Sen eng keraksiz a'zo ekanligingni bilasanmi? Insonlar sensiz ham yashay oladi, sening hech kimga keraging yo'q! — debdi. Kiprik bo'lsa: — To'g'ri, sen insonlarga juda keraksan. Men esa faqat senga kerakman, ammo sen mening qadringga yetmayapsan, — deya o'shibdi.

Ko'z Kiprikni battar kamitaveribdi. Bunga chiday olmagani Kiprik yig'lab-siqtab, oxiri to'kilib ketibdi. Oradan ko'p vaqt o'tmabdi. Shamollar bilan o'ynoqlagan changlar tufayli Ko'z ko'rmay qolibdi. Uning himoyachilari — kiprikleri yo'qligi sababli unga cho'p ham, xas ham ziyon yetkazaveribdi. Achchiq-achchiq yoshlar to'kkan Ko'z Kiprikni xafa qilgani uchun ko'p afsus chekibdi. Ammo endi kech bo'lgan edi...

Xulosa: sizni xavfu xatardan asrovchi Kipriklargizni hech qachon xafa qilmang...

Dilobar ASLIDDIN qizi



Мана гап

«Аҳмоқнинг жоҳиллиги ақлга қайроқтошдир.»

Уильям ШЕКСПИР

Машҳурларнинг сўнги онлари

Ҳикматли дунё

Истеъодда тўла инсонларнинг туғилиши бир мўъжиза. Аммо... уларнинг баъзиларини вафот этиши ҳам сир-синоатга тўла экан. Куйида айрим шоир ва ёзувчиларнинг сўнги кунлари ҳақида ўқийсиз.

Топ ўлканнинг эшиги

Михаил Булгаков (1891-1940) умрининг сўнги онларини олдиндан кўра олган ва баҳорат қилган. Усларнинг атоқли ёзувчисига 1939 йили шифокорлар тезлашаётган юқори қон босими ва склероз деган ташхис қўйишди. Шундан сўнг тўшакка миҳланиб ўрнидан турмади. Унинг яқин дўсти шундай деганди: «Дардга чалинганини эшитиб ёнига кирдим. У менга умри қанча қолганини, ҳатто қайси кунни ўлишига айтиб берди. У романи «Уста ва Маргарита» ҳақида қайғурарди. Жуда озиб кетганига қарамай, ҳазил-хузулни қўймади. Роман устида эса тинмай ишларди...»

1940 йил 10 март кунини Булгаков вафот этди. Ёзувчи В. Кантаев ҳайратланганча шундай деганди: «Михаил умрининг сўнги кунларида «Мени тобутда олиб чиқиб кетишга» Ромашовнинг эшигига урилиб кетаман», деганди. Ҳақиқатанам таъзия кунини зина торлиги учун тобут пастки қават-

даги драматург Ромашовнинг эшигига урилиб кетди!» **«Олтин ёғдусига ишонар эдим...»** Рус шоири Белый Андрей (1880-1934) умрининг кўп қисмини хоррида ўтказди. 1923 йил Берлиндан Россияга қайтди ва дўстлар даврасида шеър ўқиди: **Олтин ёғдусига ишонар эдим, Лекин ўлдим қуёш ёйидан...** Буни қарангки, уни Қримда қуёшда тобланиб дам олаётганда офтоб урди. Афсуски, даволанишлар самара бермай, у «қуёш ёйидан» вафот этди. Андрей ўлим тўшағида ётган пайт уша шеърини ўқиб беришларини сўраган...

Шошилмаслик керак эди... Машҳур рус ёзувчиси Гоголь (1809-1852) ўлимга бир йил қолганида вас-васага тушган. Улимга ўн кун қолганида эса «Улик жонлар» асари кўлэмасини ёқиб юборган. Ва: «Мен ўлимга тайёр-

ман» деб айтган. У руҳий даволанишни истамасди ва тинмай кимнидир қақирарди. Момо Ҳаво иконасига тикилиб, ҳаёт билан видолашарди. 1852 йил 21 февралда унинг юраги уришдан тўхтади. Марҳумни аввалига Данилов монастирига кўмишди. Кейинроқ тобутни бошқа ерга кўчирётганларида кўришдики, тобутнинг ички қопламалари титилиб, тирналиб кетган эди! Демак, ёзувчи летаргик уйку ҳолатида бўлган, яъни тириклайин кўмилган. Улимидан аввал Гоголь уни дафн этишда шошмасликни такрорлаган экан...

Видо мактуби Буюк рус шоири Сергей Есенин (1895-1925) ўлимидан олдин шундай ёзганди: **«Хайр, дўстим алевидо, Сен менинг қалбимдасан...»**

Шоир ушбу мактубни дўстига тутқазиб, Устиновга бериб қўйишини сўради. Аммо дўсти уша кунни мактубни бера олмади ва эртаси кунни, Есенин ўлгач, мактубни очиб ўқийди. 1925 йил 28 декабрда меҳмонхонадаги номер шифтига осилган жасадни топишди. Бу меҳмонхонада шоирнинг дўсти Устинов яшарди. Сергей унинг ёнига

боради, аммо уни тополмайди. Агар шоир дўсти билан учрашганда ўзини нобуд қилмасмиди?..

Айтишларича, Есенин 1923 йилдан бошлаб «ҳаётга тупурдим» дейдиган одат чиқарган экан. 1990-йилларга келиб шоирнинг ўлими сабаблари ўрганилди. Униқанишича, унинг пешонасида ўша кунни қаттиқ урилган зарбнинг изи бор экан...

Қотил дўстлик

Михаил Лермонтов (1814-1841) юнкерлар мактабида бирга ўқиган дўсти Мартинов билан бир базмда шунчаки айтишиб қолади. Мартинов бундан ғазабланиб ва улар дўзга чиқишга қарор қилишди. Машук тоғига боравишидаги жой танланади. Уттиз қадам ўлчаниб, сўнги марра ўн қадам, деб белгиланади.

«Бир-бирингизга яқинлашинглар», деб буйруқ берилади. Аммо Михаил жойидан жилмайди ва осмонга қараб ўқ узади. Мартинов эса маррага шоша-пиша келади-да, шоирга қараб ўқ узади. Уқ Лермонтовнинг юрагини тешиб ўтади. Шу заҳоти жала қуяди, ёмиғир эртасига ҳам тинмайди. Гўё табиат ҳам шоирга аза очгандек эди. Мартинов эса дўздан 34 йил кейин вафот этган.

НОДИРАБЕГИМ тайёрлади



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA



Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

Hotamjon SAYDAHMEDOV G'afurjon MUHAMEDOV Mahmud TOIR Uskenboy ATEMOV Salom SAMADOV Abdulla XURSANOV Mahmudjon BOLTABOYEV Ra'no TURDIBOYEVA Sergey MUTIN Zarifa ERALIYEVA Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV Qabulxona: (71) 233-64-95 Bosh muharrir o'rinbosari: (71) 233-70-10 Mas'ul kotib: (71) 233-90-82 Bo'lim muharrirlari: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (71) 233-54-10 e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir: Kumush EGAMBERDIYEVA Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA Navbatchi: Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Bosishga topshirildi - 20.00 Nashr ko'rsatkichi - 205. Buyurtma G-735. 3 832 nusxada chop etildi. Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda. Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan. Manzilimiz: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000, Matbuotchilar ko'chasi, 32. ISSN 2010-9318. Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi. «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxonada manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6